



Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
8 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 97-98
(12.317)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадри дўстлар! Хонимлар ва жаноблар! Шу кунларда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги мамлакатимизда тантанали равишда байрам қилинмоқда.

Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий сана бўлган ушбу айём ҳақида гапирар эканмиз, биз Конституцияимизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини юксак баҳолаймиш. Ва шу аснода мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституцияимизнинг мустахкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этаёмиш.

Бугун Ўзбекистонимиз

босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваломбор, изчил ривожланган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиби, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституцияимизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, биз танлаган ва "Ўзбек модели" деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда. Биз ўз умрини ўтаб бўлган мустақил, буйруқ-бозлик ва режали-тақсимот тизимидан қанчалик узоклашганимиз сари, миллий тараққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нормаларнинг нечоғли тўри эканига бўлган ишончимиз

шу қадар ортиб бормоқда.

Бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафқураддан тўла ҳоли қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислотхотчи ролини ўзига олиши, инқилобий эмас, аксинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислотхотларни "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмав" деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қондаларни ўз ичига олади.

Ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда, биз ўтган давр мобайнида ҳақиқатан ҳам жуда катта тарихий ютуқларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрланасак арзийди.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиш, мамлакатимизни ислот этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортага қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кун-

да одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуқлиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Ва айнан шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаётган қудратли ҳаракатлангирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширган ишларимизни эътироф этган ҳолда, биз бир ҳақиқатни эсдан чиқариб қўйиб, ҳаётимизга Конституцияимизда мустахкамланган ҳуқуқ ва асосий тамойиллар муҳасса эканини алоҳида таъкидлади.

Эркин ва фаровон жамият қуриш, Ватанимизнинг

(Давоми 2-3-бетларда).

БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбобла-

ри, фан, маданият ва санъат номандалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият қўришаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Оналар ва болалар саломатлигини химоя қилиш, фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, урта махсус, касбунавар таълими муассасалари ва олий ўқув юрталари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар бажарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, фарзандларимизни XXI аср талабларига жавоб берадиган инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2011 йилни мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилишни тақдир этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақдир йиғилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ВА МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йил 10 декабрь кунини Москвада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов 7 декабрь кунини Оқсаройда бир гуруҳ юрдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари мувофиқ, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустахкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган бир гуруҳ юрдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароғоҳида 7 декабрь кунини ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Аввало, мана шу мухташам залда тўплайиб турган сиз, азизларни халқимиз кенг нишонлаётган Конституция кунини билан табриқлашдан, сизларга ўзининг самими хурматини билдиришдан хурсанд эканлиминиз эътироф этишимиз, — деди Президентимиз. — Ватанимизнинг юксак унвонлари, ордени ва медаллари билан тақдирланган инсонларни айнан ана шу байрам арафасида кутлаб, давлат мукофотларини топшириш яхши бир аънаъга айланди.

Эл-юртимиз олдидаги фарзандлик бурчинини бажариш

йўлида бутун борлигини бахш этиб, ўзининг фидойи меҳнати, муносиб хизмати билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сиз каби инсонлар билан учрашиш, уларнинг қўлини сиқиб, бағримга босиб муборакбод этиш, мен учун катта бахтдир.

Барчангиз яхши хабардорсиз, халқимиз, мамлакатимиз дуч келган айрим қийинчиликларга қарамасдан, жорий йил биз учун ҳар томонлама баракали, омадли бўлди. Буни машаққатли меҳнат ва катта фидойилик эвазига эришган ютуқ ва марраларимиз амалда тасдиқлаб бермоқда.

Миршкор дехқон ва фермерларимизнинг ҳалол меҳнати ва омиқорлиги билан юртимиз бўйича қарийб 7 миллион тонналик улкан ғалла хирмони бунёд этишга эришдик. Айниқса, барча вилоят ва туманлар ўз шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этгани, қўллаб-қўрғинчилик билан ҳосилдорлигини 55-67 центнерга етказгани мисолида буни яққол кузатиш мумкин.

Пахтачилик соҳасини оладиган бўлсак, дехқонларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштиргани ва унинг 90 фоизи юқори навларга топширилгани, ҳеч

шубҳасиз, юртимиз дехқончилик тарихидаги яна бир ёрқун саҳифа бўлди.

Бу ютуқларга ўз ишининг устаси ва фидойиси бўлган сиз каби минг-миглаб далада ишлайдиган инсонларнинг билим ва тажрибаси билан, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор меҳнат ҳисобидан эришдик, — деди Ислам Каримов. — Бошқа соҳаларда ҳам, саноатни оласизми, қурилиш, йўл қурилиши ёки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни оласизми, бизга қувонч бағишлаб, бошқаларнинг ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Жорий йилда юртимизда янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этаётгани бунинг ёрқин далилидир. Ишонаман, янги 2011 йилда ҳам, иншоолуқ, ўсиш суръатларимиз бундан кам бўлмайди.

(Давоми 3-бетда).

Юртимизнинг кундан-кунга қудрат топиб, ҳаётимиз фаровонлашиб боришида Конституциянинг ўрни бекиёс. Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бу алоҳида таъкидланди. Йиғилишда вилоят фаоллари, туман ва шаҳар ҳокимлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ташкилот ва бошқарма раҳбарлари иштирок этди.



ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Вилоят ҳокими Рустам Холматов йиғилишни очар экан, Бош Қомусимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Йиғилишда вилоят прокурори Муҳиддин Қиёмовнинг Конституцияимизнинг 18 йиллигига бағишланган маърузаси тингланди.

Конституцияимиз инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг химояси ҳамма нарсасдан устуңлигини белгилаб берди. У мамлакатимизнинг давлат тузилиши, сайлов сиёсати, ҳокимият органларини бошқариш усуллари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи олий

ҳуқуқий кучга эга қонундир. Тадбирда Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини му-

кофотлаш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ фахрий унвонлар, ордени ва медаллар билан тақдирланганлар қаторида вилоятимиз вакиллари ҳам қўп. Тантанали йиғилишда юксак мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

(Давоми 4-бетда).

Зангиота тумани, 4-умумтаълим мактабида бахтимиз қомуси — Конституцияимизнинг 18 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон Конституцияси — бизнинг демократик тараққиёт йўлимиз" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

БИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими, адлия бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган байрам тадбирида танкили олимпиятчи, ҳуқуқшунос сиёсатшинос "Конституция — келажакимиз пойдевори", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун ҳақида, "Аёл ва ҳуқуқ" мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Конституцияимизнинг маъмул-моҳиятини пухта ўзлаштирган туман ёшлари маърузалар юзасидан баҳс-мунозараларда фаол иштирок этишди. Баркамоллик сари интилаётган иқтидор эгаларининг ватанпарварлик руҳидаги мулоҳазалари, ўткир мушоҳадаси меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди. Туман ўқувчи-ёшларининг ижодий ишлари кўргазмаси, мактаб ўқувчилари ижросидаги байрам дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди. Саида РАҲМОНОВА.



ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

– Мен каби оддий ишчи-шақар одамлар мукофотни муносиб кўришганидан бошим осмонга етди, – дейди Юқоричирчиқ туманидаги "Машина-трактор парк" ОАЖ механизатори Акрам Миртурсунов. – Бугунги кун

мен учун кўш шодиёна бўлди. Конституциямизни нишонлаш бир байрам бўлса, "Шухрат" медалини кўксимга тақиб кўйишгани нур устига нур бўлди. Юртимизда байрам байрамларга уланаверсин. – Мустақиллик йилларида маҳалла институти

ҳақиқий ва амалий эътибор топди, – дейди республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби Мархия Шоматов. – Маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини оширишга кўшган камтарона ҳиссамизни юксак

тақдирлаган Президентимизга ташаккур дейман. Бу мукофотни бутун ташкилотимиз меҳнатига эътибор, деб билмаман. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов иштирок этди. Абулфайз САИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: тантанали маросимдан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОИЛА – ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Яқин кунларда мустақил диёримиз, озод Ватанимизда эрк қўши порлай бошлаганининг 20-йилга қадим қўямиз. Бахтимиз, эркимиз кафолати – Қомусимизнинг 18 йиллиги кунларида истиқлол шарофати билан эришилган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаш кишини чуқур ҳаяжонга солади. Зеро, эзгу мақсад сари интилаётган ҳар қандай инсон ўз савъ-ҳаракатлари йўлида руҳий мадад, кучли ҳимояга эҳтиёж сезади. Бу борада ишончли қалқон – Ватан паноҳи, ардоғидир.

Бахтимиз Қомуси – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қўлга олган ҳар бир фуқаро унинг ортида мустақам қоядек қўриқлаб турган Ватан ардоғини бор вужуди билан ҳис этади. Ҳар сатрида инсон манфаатлари ҳимояси акс этган Қомусимизда оилага шундай таъриф берилди: "Оила – жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади" (63-модда).

"Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Аналик ва болалик давлат томонидан муҳофазат қилинади" (65-модда).

Халқимизнинг қадриятлари, оруз-умидлари ифодаси бўлиши Оилага бўлган бундай эътибор бежиз эмас. Жамият тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ёш, баркамол авлод тарбияси аввало оиладан бошланиши ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, оиланинг устунлари – ота-онага, хусусан Аёлга бўлган ҳеч қандай эътибор, гамҳўрлик ўзини билган Ўзбекистонимизда ўзгача. Бунинг мен вилоятимиз мисолида айтмоқчиман. 2,5 миллиондан ортиқ аҳолининг яримдан кўпроги аёллар. Улар вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш билан бир қаторда, Оила аталмиш муқаддас даргоҳнинг оқила бекалари, фарзандларига гамҳўр меҳрибон она ҳамдир. Юртбошимизнинг хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси, оилалар барқарорлигини таъминлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги қарор ва фармойишлари бизнинг кундалик фаолиятимизда дас-туриламалдир. Аввало, бандлик масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва вилоят хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида ўтказилаётган кўпгина тадбирларимиз шу мақсадга йўналтирилган. "Қўли гулди ўзбек аёли", "Дўпди тикдим ипаклари тиллодан", "Моҳир қўллар", "Еш ижодкорлар", "Маҳорат мактаби" каби кўриктанлов, учрашув, семинарлар шулар жумласидан. Хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик истагидаги аёлларимизни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ри-

вожлантириш орқали бандлик масаласи ижобий ҳал этилмоқда. Бугунги кунда 40 мингга яқин хотин-қизлар янги иш ўринларига эга бўлди. Оилалар даромадини кўпайтириш, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлган тадбиркорлик, хунариманлик билан шуғулланаётган аёлларимиз кўпайиб бормоқда. Аёллар фаоллиги ҳақида гап борганда куйидаги рақамларни келтирмай илож йўқ. Бугунги кунда вилоятимиз аёлларидан 1,5 мингга яқини раҳбарлик лавозимларида, 28 мингдан зиёди саноат, 900 га яқини қурилиш, 2800 нафар транспорт ва алоқа соҳаларида, 305 минг 600 га яқини қишлоқ хўжалигида, 40 мингга яқини соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият соҳаларида, 61 мингга халқ таълими ва бошқа соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг деярли ҳаммаси оила, хонадон бекаси сифатида ҳам жамият тараққиётида ўз ўрнига эга. Оила, давлат ва жамоат ишларида фидокорона меҳнат қилаётганларни қўллаб-қувватлаш маъносида хотин-қизлар қўмиталари томонидан 11 ой давомида ўрганилган 73 минг 139 та оилалар 28 минг 796 тасига моддий ва маънавий, маслаҳатчилар томонидан ўрганилган 222 минг 963 оилалардан 32 минг 136 тасига тиббий, 142 минг 452 тасига маънавий, 12 минг 393 тасига моддий ёрдамлар кўрсатилиб, 7531 таси иш билан таъминланди. Айниқса, "Соғлом она – соғлом бола" шиори остида олиб борилаётган кўламли ишларда баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад қўзланганига аёлларимизга бўлган яна бир улкан эътибор, гамҳўрликни фойдалайди. Шу ўринда Қомусимиздан яна бир моддан келтиришмоқчиман: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгуналарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар" (64-модда). Шундай бўлсада, бу жараёнга ўзи бош-қош бўлаётган давлатимизнинг улуг инсонпарварлик сиёсатини идрок этмаслик маънавий кемтиклик бўлар эди. Айтмоқчи бўлганим, ҳуқуқларимизни яхши билган ҳолда бурчдорлик ҳиссини ҳам унутмаслик мақсадга мувофиқдир. Шундагина муносиб ўғил-қиз, оқибатли фарзанд сифатида Ватан ардоғидан баҳраманд бўламиз.

Сайёра ФАЙЗИЕВА, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ барча юртдошларимизни мамлакатимиз Бош Қомуси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги билан самимий табриклайди. Асосий Қонунимизга таяниб яшаш – демократик тараққиёт, тинч ва фаровон истиқболимиз гарови.

СУРАТЛАРДА ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйда Конституцияга қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди. Унинг очилишида фоторассомлар, санъатшунослар, талаба-ўшлар, журналистлар иштирок этди. Бадий академия раиси Т. Қўзиёв мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча турлари каби фото санъатини ҳам рағбатлантириш, унинг анъана ва мактабларини бойитиш, соҳа ижодкорлари меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бош Қомусимизда ҳар кимга ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланганини белгилаб қўйилгани бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди.

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган фотосуратларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган асосий қоида ва тамойиллар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз ифодасини топаётгани, баркамол авлод тарбияси йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамҳўрлик турли жанр ва услубларда акс эттирилган.

Фото санъати ихлосмандлари бу ерда таниқли фоторассомлар билан бирга ёш фотосуратчиларнинг ижод намуналари билан ҳам танишиши мумкин.

Назокат УСМОНОВА, ҲА мухбири.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

вилоят аҳолисини мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги билан муборакбод этади. Инсоннинг энг ката бойлиги бўлган саломатлик Сизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Юртимизда демократик давлат барпо этиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон ва унинг ҳуқуқ-манфаатлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим тамойиллари, қоида ва меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳасам.

СИЗ ҚОНУНИ БИЛАСИЗМИ?

У жамият ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қомусимизнинг 18 йиллигига бағишлаб, вилоятимизда турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Юқоричирчиқ туманидаги 6-ўрта таълим мактабида "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида тадбир ўтказилди. Ҳуқуқчилар икки гуруҳга бўлиниб, Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирган турли мавзуларда қизиқарли сўхна кўринишларини намойиш этишди.

Шокир ХАЛИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу қонун ҳужжати латент жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва улар оқибатларининг олдини олиш мақсадида фуқароларни ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишни рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг жавобгарликдан озод этилишини кафолатлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонун валюта қимматликларининг қонунга ҳилоф айлиши билан боғлиқ бўлган, тергов билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган ва қонунга ҳилоф валюта операциясининг томонларидан бири бўлган фуқароларнинг аризалари асосида аниқланган жиноятларнинг очилишини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) томонидан Спортда допингга қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтдилар. ЮНЕСКОнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги стратегияси ва фаолият дастури доирасида ишлаб чиқилган ушбу конвенциянинг мақсади – спортда допинг қўллашнинг олдини олишга ва допингнинг йўқотиш мақсадида унга қарши курашишга қўмаклашишдан иборат.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция кенг қамровли бўлиб, спорт соғлиқни сақлаш, дахлхўл, маданий ва жисмоний тарбияда, шунингдек, халқаро миқёсда бир-бирини тушуниш ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беришда муҳим роль ўйнаши кераклигини назарда тутди.

Мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқдилар.

Икки кунлик мажлис давомида 24 масала, шу жумладан 14 қонун кўриб чиқилди, уларнинг амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини аяқлади.

БАЙРАМ ҲАЛИ ДАВОМ ЭТАДИ...

1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 3 декабрни – Халқаро ногиронлар куни, деб эълон қилгандан буён бу сана ҳар йили дунёнинг барча давлатларида кенг нишонлаб келинмоқда. Бизнинг мамлакатимизда

ҳам шу сана муносабати билан жисмоний имконияти чекланган кишилар учун турли кўнгилочар тадбирлар, бадий кўргазмалар, концерт дастурлари ташкил этилиб, совға-саломлар улашади.

Шу билан бирга хаста, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиниб, ҳомий ташкилотлар томонидан дори-дармонлар, тиббий воситалар, таянч-ортопедия мосламаларидан иборат совғалар тўхта этилади.

Пойтахтдаги VIP NBUSERVIS гузарида вилоят ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят ваколатхонаси ташкил этган "Меҳр қолур" хайрия тадбири ана шу мақсадга қаратилди. Тадбир вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Сен ёлғиз эмассан" фонди, касаба уюшмалари ташкилотлари



Вилоят кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлими каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари

кўмағида ўтказилди.

Тадбирда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан 200 дан зиёд жисмоний имкониятлари чекланганлар учун байрам дастурхони ёзилди. Ҳомий ташкилотларнинг турли қимматбаҳо ва эс-далик совғалари тортиқ этилди.

"Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят ваколатхонаси эса тўғма ногирон ва имконияти чекланган ёшлардан 10 нафарига замонавий компьютер жамламаларини ҳадя қилди.

Ҳомийлар, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташкил этган байрам концерт дастури ва тўқин дастурхон даврага алоҳида фойз бағишлади. Байрам тугади. Лекин кўтаринки кайфият шукроналик тўлган қалбларда анча вақт давом этади...

Абдулла ФАЙЗИЕВ. СУРАТДА: байрамдан лавҳа.

Даврон АХМАД олган сурат.

ҲАММА ФАОЛ

Кўшнимизнинг яккаю ягона ўғли тўғма нуқсон билан дунёга келди. Энг аянчлиси – на тура олади, на бирор қадам ташлай олади.

Ҳар сафар уларникига чиққанимда бечора онаизор ўғлининг олдида гирдиқапалак бўлаётгани, фарзандининг биргина сўзига илҳақ боқиб туришига қараб, вужудимни титроқ босади. Ҳадемай, ўғлим оёққа туриб кетади, дея ўзига таскинута салли бериб яшаб келаётган онаизорни нима деб юпатишни ҳам билмайсан, киши. Сиздайн меҳридарё, иродаси бақувват инсонларнинг бори га шуқр демай иложимиз йўқ.

Сазовор. Қолаверса, улар ўз устиларида ишлашлари, ўқишлари, спорт билан шугулланишлари учун қатор имтиёزلарга эгаликлари уларнинг ҳеч нимадан толиқмасликларидан далолат. Жисмонан ожиз, аммо руҳан кучли юртдошларимизнинг футбол бўйича жаҳонни хайратга солганликлари фикримизга исбот бўла олади. Бу бежиз эмас. Чунки ижтимоий муҳофазага давлат даражасида эътибор қаратилган юртимизда ҳеч ким фаол ҳаётдан четда қолмайди. Турмуш тарзимиз ва менталитетимиз шуни тақозо этади.

Юлдахон ФАЗЛИДИНОВА

ФАРЗАНДИНГИЗ ТАРБИЯЛИМИ?

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва туман, шаҳар кенгашлари ҳамкор ташкилотлар, соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ёшлар ўртасида гиеҳвандлик, ОИТС, диний экстремизм, терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш, одам савдоси ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун спорт тўғрақларига жалб этиш мақсадига турли тадбирлар ва давра суҳбатлари ташкил этмоқда.

Жумладан, Паркент тумани камолотчилари 31-мактаб ўқувчилари, маҳалла ёшлари ва уларнинг ота-оналари иштирокида давра суҳбати уюштириди. Шунингдек, Бекобод шаҳридаги 11-Бука туманидаги 30-Бустонлик туманидаги

19-умумтаълим мактабларида ҳам шу мавзуда тадбирлар ташкил этилди.

Шундай долзарб мавзудаги анжуманлардан яна бири Юрчиқ туманидаги курилиш ва сервис касб-хунар коллежида бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳаллалардаги айрим оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига масъулиятсизлиги, оиладаги носоғлом муҳит туфайли уларнинг жамоадан ажралиб қолиши, турли ноқонуний гуруҳларнинг таъсирига тушибди ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлаётганлигини таъкидлашди.

Тадбир давомида ўқувчилар ташкилотлардан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди.

Шоҳрух ҲАКИМОВ

Республика «МАҲАЛЛА»

хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими жамоаси

вилоятимиз аҳлини улуғ байрам – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги билан муборакбод этади!

Қадрли юртдошлар! Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этишдек хайрли ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳаётингизга фаровонлик, оилангизга тинчлик-тотувлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Маҳаллаларимиз доимо обод ва кўркам бўлсин!



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

вилоятимиз аҳлини мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун билан чин дилдан қутлайди. Таълим фидойиларининг ёшлар камолоти йўлидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар ёр бўлсин! Конституциямизда фуқароларнинг ўқиш ва билим олиш ҳуқуқи мустаҳкам кафолатланган. Бинобарин, билимли, зукко, замонавий илм-фан ютуқларини мукамал эгаллаган салоҳиятли ёшлар юртимиз келажагидир.

Биз мустақилликка эришиб, ижтимоий-сиёсий янгиланишлар, иқтисодий ислохотлар йўлига ўтанамизга йигирма йил бўлаяпти. Турмушимиз, билим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларимиз, қадр-қимматимиз суверен давлатимизнинг Конституцияси, бошқа қонунолар билан қатъий ҳимояланганлиги ҳар биримизда келажакка ишонч билан яшаш, бу азиз ва муқаррам мамлакатимизни авайлаб-асраш, гуллаб-яшнатиш иштиқини кучайтирмоқда.

Инсон ўсиб-улғайиб, кўнгилдагидек яшаш учун билим олиш, муайян касб-хунарни эгаллаш ҳал қилувчи ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бунинг учун пухта ҳуқуқий асос белгилаб қўйилган. Жумладан, унинг 41-моддасида ҳар бир фуқаро билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, давлат таълим-тарбия ишини назорат қилиш алоҳида таъкидланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ишларни сарҳисоб қилиб кўрсак, қонун устуворлиги таъминланаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш умумий миллий дастури, 2004-2009 йилларда халқ таълимининг ривожлантириш дастури, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларини бажариш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда янгича миллий мафкура, ҳалқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган, дунёқарашига айланган янги

БУ ИМКОНИЯТЛАР СИЗЛАР УЧУН

авлод камол топишини таъминлади.

